

XX аср бошларидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида миллат нажотини фақат ва фақат миллий тафаккурни юксалтириш, озод фикрли, юксак ахлоқли ҳамда маърифатли авлодни тарбиялашда қўлган буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг эзгу орзулари бугун ҳар бир соҳада ўз ижобатини топмоқда. Унинг ўлмас ижоди нафақат қимматли тарихий мерос, балки замонавий тараққиётимизнинг йўлчи юлдузи, миллий юксалиш йўлидаги муҳим таянч ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдаги илҳом манбаи десак, муболага бўлмайди.



Бобур ШОЁҚУБОВ,
Қуролли Кучлар академияси
бошлиғи, сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори, полковник

Абдулла Авлоний Тошкентда туғилиб, тинимсиз мутолаа ва изланишлар орқали билим чўққиларини эгаллаган, ўз даврнинг илгор фикрли зиялиси, истеъдодли адиб ва янгиликка интилувчан педагог бўлган. У 1904 йилда янги усулдаги мактаб очиб, ёш авлодга анъанавий билимлар билан бир қаторда математика, география, табиат каби дунёвий фанлардан, ҳаёт учун зарур билимлардан сабоқ беришни йўлга қўйди. Бу ўша давр учун жасоратли ва инқилобий қадам

бўлиб, нафақат миллат фарзандларининг дунёқарашини кенгайтириш, балки уларнинг тафаккурини уйғотиш, таҳлилӣ ва танқидӣ фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, замонавий билимлар билан қуроллантириб, жаҳон тараққиётидан баҳраманд этишга, пировардида мустамлакачилик кишанларидан озод бўлиш учун замин яратишга қаратилган эди. Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” сингари дарсликлари, айниқса, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”

Қадрият



Хулқар ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон давлат хореография
академияси доценти, филология
фанлари доктори

Уста Олим созандалик, бастакорлик, хореограф — балетмейстерлик соҳаларини мукаммал эгаллаган серкирра истеъод соҳибчи, Ўзбек миллий сахнавий рақс санъати асосчиларидан бири эди. 1875 йилда Марғилонда, оддий тўқувчилар оиласида туғилган бўз бола йиллар ўтиб салохияти ва тинимсиз изланишлари туйғули умумтуркий ифтихорга айланди. Ота-онаси ҳалол ва камтарин инсонлар бўлиб, илму хунарни ниҳоятда қадрлашар эди.

У болалик ва ўсмирлик йилларида жуда кўп соғлағча қизикди, яллагилар, созандаларга жўрнавозликда тўй ва сайилларда эл хизматига бўлди. У бир сафар боғчаларини эслаганда бундай деганди: “Жуда кичик ёшдан ота-онамининг тўқув дастгоҳи менга беланчақ вазифини ўтатган. Уларнинг ҳаракатларини кузатишни яхши кўрадим. Айниқса, аям тўё атлас тўқимасди, балки матога гул экарди. Қўллари, бармоқлари шунчалар нафис, тез ва чаққон ҳаракат қилардики, гулларнинг ши-вирилшини эшитардим. Аям бармоқларининг нафосати атлас матоси узра сарин сабонарни уйғотарди, улар тинмай елар, бутун хона гул ифориға тўлар, руҳимни аллаларди. Унинг

ЮРАК РИТМЛАРИДАН ЯРАЛГАН САНЪАТ УСТА ОЛИМНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИ ЎРНАК БЎЛИШГА АРЗИГУЛИК

Халқимиз орасида асрлар давомида маданиятнинг хилма-хил шакллари ривож топган. Уларда Фарғона — Тошкент рақс мактаби миллий рақс санъатининг энг қадимий даврларига мансуб намуналарни тўла қамраб олгани билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбек санъатининг йирик вакили, Ўзбекистон халқ артисти, Уста Олим Комилов ўз шоғирдларига Фарғона — Тошкент маданияти тарихида халқ санъати муҳим ўрин эгаллашини, уларнинг ўз йўллари ва ўзига хос ижро услублари мавжуд эканини уқтирарди.

матого тикилган нигоҳлари бармоқларнинг гўзал ҳаракатларига ёғду, сеҳр бахш этарди. Аям тўқиётган матосидан кўз узмас, лекин атрофни қўриб турарди. Мен ерга тикилган нигоҳларини ва тинимсиз ҳаракат қилаётган қўлларининг бир-бирини тушунишини, “гапириш”ини, қўйлашини, қувонишини ва кўз ёшини кўрсатмасдан йиғлашини ўшанда ҳис қилган бўлсам керак”.

Замондошлари фикрича, уни ҳамisha ижродан кўра ихтиро, яратиш, кашф қилиш ишчи кўпрок ўзига тортарди. 1926 йилда Муҳиддин Қориёқубов Марғилонда илк ўзбек этнографик ансамблини тузганида биринчилардан бўлиб Уста Олимни тақдиф қилди. У доира, ногора, чанг каби бир неча миллий қолғу асбобларининг моҳир созандаси ва ўта қобилиятли, кенг қўламли балетмейстер эди.

Унинг ижро услублари доира зарбларининг бетакорлиги ва жозибadorлиги, тембр воситаларининг тез-тез алмашishi ва хилма-хиллиги билан томошабинни ҳайратга соларди.

Шoғирдлари Тaмaрaхoним ва Мукaррaмa Тургунбoевa устозининг йўлини давoм эттириб, ўзбек миллий рақс санъатини жаҳон маданиятининг гултожига айлан-тирди. 1937 йилда Москвада ўтказилган ўзбек санъати декадасида у яратган “Сайил ва колхоз тўйи” рақс композицияси катта

шухрат қозонди. “Уста Олимнинг қўли ёки нафаси теккан ҳар бир рақс ҳаракати энди ғунчалаётган, қайта-қайта очилдиган атиргулга ўхшайди: унинг кўриниши ҳам, ифори ҳам, шабадада оддийгина тебраниши ҳам ўта шарқона нигоҳлари билан инсонни ўзига бутунлай рон қиладди, унинг таъсиридан чиқа олмайсиз”, деган эди ХХ аср жаҳон рақс санъатининг улкан намояндаларидан бири Игорь Моисеев.

1935 йилда Лондонда ўтказилган I халқаро санъат фестивалида Тaмaрaхoним “Пилла” рақсини ижро этади. Зал oёққа қалқиб, қарсақ чалади. Томошабинлар иста-ги билан Тaмaрaхoним “Пахта” рақсини улаб юборарди. Доирачи Уста Олимнинг истеъдо-дидан ҳайратга тушган Британия қироличаси Мария Лoжaлoн ҳаяжон билан сахнага чиқа-ди. Оддий қўллар шунчалик улғў мўъжиза яратаетганига ишонгиси келмайди. Устан-нинг қўлларини қайта-қайта ушлаб кўради. Унинг фармонига биноан Устаннинг қафла-ри ва панжаларидан олинган тилс нусхаси ҳозиргача Британия музейида сақланмоқда. Тaмaрaхoним ва Уста Олим фестивалнинг олий мукофоти — олтин медал билан тақдирланади.

Уста моҳир балетмейстер сифатида “Пах-та”, “Шоҳида” каби илк ўзбек балетларини сахналаштиришда иштирок этди. Замонавий балет сахналарида миллий-маданий чиз-



гилар, миллий колорит устувор бўлишига интилдди. Уста яратган “Занг”, “Гул ўйини”, “Садр”, “Даромади гул ўйини”, “Тантанга”, қайта сайқаллаган “Пилла” рақслари ўзбек санъатининг умумбашарий маданият хазинасига қўшилган ноёб дурдоналари санала-ди. Ўз даврида жуда машхур бўлган “Фарҳод ва Ширин”, “Гулсара” спектакллариға рақс сахналаштирганда ҳам қадриятлар, маҳал-лий урф-одатлар, маданий анъаналарға оид халқ рақс усуллари бўртиб туришиға ҳаракат қилди.

Уста санъатни жону дилдан севгани учун ҳам умрини шу улғў ишға тикди. Яратди, ўргатди, кейинги авлодлар баҳраманд бў-лиши учун маржон доналаридек сочилиб кетган халқ дурдоналарини тўплади. У ўз-бек миллий санъатини севгувчилар кўп бў-лишини орзу қиларди. Уста гўзал санат ортида oғир ва oғриқли заҳмат борлигини

юрак-юрагидан ҳис этарди. Шоғирдларини ҳамisha изланишға, меҳнатдан қочмасликка, миллий қадриятларни сақлаган ҳолда янги-лик яратишға чорларди.

“У яратган доирачилик мактаби ва рақсий мерос ҳозирги кунға келиб Фарғона мусиқа ва рақс санъати тарихий босқичларини ўрганишда, ёш олимларнинг олиб бораётган изланишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Уста Олим ижро этган ва кашф қилган халқ доира усулларининг асосий йўллари Илёс Абаров, В.Успенский, Е.Романовская томонидан ёзиб олинган, бир неча марта чоп этилган. Бугунги кунда ҳам қўлаб олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўрганилмоқда.

— Уста Олим Комилов ўзбек миллий рақс санъатининг ҳақиқий даҳоси, қо-мусий олими эди, десак ҳеч муболага бўлмайди. У яратган доира усулларидан

нафақат Фарғона — Тошкент мактаби-да, балки мамлакатимизда мавжуд бешта рақс мактабида ҳам кенг фойдаланилади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, Ўз-бекистон давлат хореография академия-си Урганч филиали профессори Гавҳар-хоним Матёқубова. — Яллари рақслар халқона бўлгани сабабли халқ орасига сингиб кетган. Шу ўринда устознинг ра-фикаси, ҳам моҳир раққоса, ҳам истеъ-додли балетмейстер Бегимхон аянинг но-мини ҳам албатта тилға олиниши зарур. Ая Устанинг ҳақиқий маслакдоши бўл-ган, улар қўлаб рақсларни бирга ярат-ган. Бугунги ёшларимиз уларнинг ҳаёт йўлларида, албатта, ибрат олиши керак.

Давлатимиз раҳбарининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги қарори маънавий-ижтимоий соҳада дастуриламалға айланди, десак муболага бўлмайди. Унда ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини оши-риш, уларнинг қалбида миллий маданият-ға бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўлаб-қувват-лаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Ўсиб келаетган ёш авлод онгу шуурида миллий маданиятға муҳаббат туйғуларини сингдиришда Уста Олим Комилов каби санъат фидойиларидан қолган маъна-вий-маърифий мерос муҳим аҳамият касб этади. Ундан мерос рақсларнинг ҳар бири фақатгина гўзал, маътунок ҳаракатлар йиғиндиси эмас, балки лирик-драматик ҳарakterли хиял атас сифатида алоҳида қимматға эға. Шу жиҳатлари билан ҳам бу асарлар мангуликка дахлдor.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обуюани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.

36191 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусахҳх: Маллоҳат Минғбoевa

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрсабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқини — 00:30 Топширилди — 00:55